



**Тошкент тиббиёт академияси  
Ректорат кенгаши (онлайн) йиғилишининг  
7-сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

«12» май 2021 йил

**Раислик қилувчи: А.К.Шадманов**

**Тошкент тиббиёт академияси  
ректори, профессор**

**Қатнашдилар:**

**Тошкент тиббиёт  
академиясининг ректорат  
кенгаши аъзолари  
(рўйхат бўйича)**

**КУН ТАРТИБИ**

1. Тошкент тиббиёт академияси (кейинги ўринларда ТТА) клиник базаларини кенгайтириш чоралари ҳақида.

**Маърузачи:** Маъриф Шакирович Каримов – ТТА даволаш ишлари бўйича проректор.

2. ТТА матбуот котиби ҳисоботи.

**Маърузачи:** Мирзаева Гулчехра Турғуновна – ТТА матбуот котиби.

3. ТТАда ижро интизомига оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарорлари ҳамда буйруқларининг бажарилиши аҳволи бўйича ҳисобот.

**Маърузачи:** Миршарапов Ўткир Миршарапович – ТТА Мониторинг ва ички назорат инспекцияси бўлими бошлиғи Миршарапов Ўткир Миршарапович.

4. Турли масалалар.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

## ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Кун тартибининг биринчи масаласи - ТТА клиник базаларини кенгайтириш чоралари мавзусида ТТА даволаш ишлари бўйича проректори М.Ш.Каримов маъруза қилди.

Маъруза ахборот ва ижро учун қабул қилинсин.

1.1. ТТА талабалари, магистрлар, клиник ординаторларнинг ўқув жараёнини такомиллаштириш ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг тиббий, илмий-педагогик фаолиятини самарали олиб борилиши мақсадида, талабларига мос келадиган, янгиланган ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жихозланган Давлат тасарруфидаги тиббиёт муассасалари, поликлиникалар ва хусусий клиникалар ҳисобига ТТАнинг клиник базаларини кенгайтириш бўйича таклифлар киритилсин.

**Масъул: Даволаш ишлари бўйича проректор М.Ш.Каримов, клиник базалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Д.А.Парпибаева, факультетлар деканлари, кафедра мудирлари.**

**Муддат: 2020/2021 ўқув йили охиригача.**

1.2. Тиббий профилактика ва тиббий биология йўналишларидаги кафедралар фаолияти учун зарурий моддий техник базалари билан таъминланган клиник базалар ва лабораторияларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши йўлга қўйилсин.

**Масъул: Даволаш ишлари бўйича проректор М.Ш.Каримов, клиник базалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Д.А.Парпибаева, тиббий профилактика факультети декани Ф.И.Саломова, кафедра мудирлари.**

**Муддат: доимий.**

1.3. Ўқув ва даволаш жараёнлари самарасини ошириш мақсадида ТТА ҳузуридаги кўп тармоқли клиника ва барча клиник ўқув базаларда моддий техник таъминотни яхшилаш бўйича ишлар олиб борилиши йўлга қўйилсин.

**Масъул: Даволаш ишлари бўйича проректор М.Ш.Каримов, клиник базалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Д.А.Парпибаева, ТТА ҳузуридаги кўп тармоқли клиника директори Д.А.Рустамова, кафедра мудирлари.**

**Муддат: доимий.**

2. Кун тартибининг иккинчи масала - ТТА матбуот котиби Г.Т.Мирзаева ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.

Матбуот котиби Г.Т.Мирзаеванинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин ва қоникарли деб ҳисоблансин (маъруза матнда келтирилган).

2.1. Барча проректорлар, деканлар, бўлим бошлиқлари ва кафедра мудирлари ўз тизимларида бош бўлиб, матбуот котиби билан ҳамкорликда олиб

борилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида тўлиқ ёритишлари таъминлансин.

**Масъул:** Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймурадов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А.Бобомуротов, факультет деканлари, кафедра мудирлари, матбуот котиби Г.Т.Мирзаева.

**Муддат:** доимий.

2.2. Барча кафедраларда ўз йўналишлари бўйича олиб борилаётган илмий-педагогик ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар, чоп этилаётган янги ўқув ҳамда ўқув-услубий маҳсулотлар, мақолалар, ҳимоя қилинаётган диссертациялар, давлат грантлари бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар, даволаш соҳасида эришилган ютуқлар, кашфиётлар ва бошқа амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотларни ТГА матбуот котибига мунтазам равишда етказиб берилиши таъминлансин.

2.2.1. Матбуот котибига унга берилган маълумотларни қайта кўриб чиқиш, матбуот саҳифаларида чоп этилишини таъминлаш масъулияти юклатилсин.

2.2.2. Ҳар бир бўлим ва кафедрадан камида бир нафар ходим матбуот хизмати бўйича масъул қилиб тайинлансин ва ТГА матбуот котиби билан ҳамкорликда иш олиб бориши юклатилсин.

**Масъул:** Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймурадов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А.Бобомуротов, факультет деканлари, кафедра мудирлари, матбуот котиби Г.Т.Мирзаева, кафедра мудирлари.

**Муддат:** доимий.

2.3. Режа-молия бўлимига ТГАнинг кенг камровли фаолияти ҳамда барча амалга оширилаётган ишларини оммага тўлиқ кўрсатиб беришда вужудга келаётган молиявий масалаларни бартараф этиш юклатилсин.

**Масъул:** Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймурадов, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А.Бобомуратов, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор Ф.Б.Тошпўлатов.

**Муддат:** доимий.

2.4. ТГА матбуот котибига “PR-менеджер-бошқарувчи” статуси берилиши ҳақида тақлифлар киритилсин.

**Масъул:** Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А.Бобомуратов, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор Ф.Б.Тошпўлатов, матбуот котиби Г.Т.Мирзаева.

**Муддат:** 2020/2021 ўқув йили охиригача.

2.5. Барча проректор, факультет деканлари ва кафедра мудирлари томонидан янги Медиа-режа тузилсин ва унга биноан мунтазам ишлар олиб борилиши таъминлансин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуратов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А.Бобомуротов, факультет деканлари, кафедра мудирлари, матбуот котиби Г.Т.Мирзаева.**

**Муддат: доимий.**

3. Кун тартибининг учинчи масаласи - ТТАда ижро интизомига оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарорлари ҳамда буйруқларининг бажарилиши аҳволи бўйича Мониторинг ва ички назорат инспекцияси бўлими бошлиғи Ў.М.Миршараповнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва қониқарли деб ҳисоблансин (маъруза матнда келтирилган).

3.1. ТТАга келган ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида бўлим раҳбарлари томонидан ижро интизомини мустаҳкамлаш ва кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин.

**Масъул: Мониторинг ва ички назорат инспекцияси бўлими бошлиғи Ў.М.Миршарапов, бўлим бошлиқлари.**

**Муддат: 2021 йил 25 май.**

3.2. Академия тизимида ижро интизомининг назорати кучайтирилсин, зарур ҳолларда масъул ходимларга нисбатан интизомий чоралар кўрилиши таъкидлаб ўтилсин.

**Масъул: Мониторинг ва ички назорат инспекцияси бўлими бошлиғи Ў.М.Миршарапов.**

**Муддат: доимий.**

4.1. Турли масалалар бўйича Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуратов сўзга чиқиб, ТТАда фаолият юритиб келаётган тўрт нафар ходимга нисбатан кўрилган интизомий жазо чоралари ҳақидаги ТТА ректорининг буйруқлари билан кенгаш аъзоларини таништирди (иловада келтирилган).

4.2. Йиғилиш якунида ТТА ректори А.К.Шадманов томонидан Йиғилиш қатнашиши шарт бўлган бироқ тармоққа ўланиб камера ортига турли расмларни ўрнатиб, йиғилишда иштирок этмаган Ректорат кенгаши аъзоларига нисбатан белгиланган тартибда ўрганиш ўтказиш ва чора кўрилиши тўғрисида топширик берилди.

**Масъул: Мониторинг ва ички назорат инспекцияси бўлими бошлиғи Ў.М.Миршарапов, Ходимлар бўлими бошлиғи Н.М.Пратова.**

**Муддат: 2021 йил 26 май.**

Қарор бир овоздан қабул қилинди.  
Ректорат Кенгаши ўз ишини якунлади.

**Олий таълим муассасаси**  
**кенгаш котиби**

A handwritten signature in black ink, consisting of several overlapping loops and a long horizontal stroke extending to the right.

**Г.А. Исмаилова**

ТГА Ўқув ишлари бўйича  
проректор



**Ш.А.Боймуратов**

ТГА Илмий ва инновацион ишлар  
бўйича проректор



**Ф.Л.Азизова**

ТГА Ёшлар билан ишлаш  
бўйича проректор



**Т.А. Бобомуратов**

ТГА Даволаш ишлари бўйича  
проректор



**М.Ш. Каримов**

Ўқув-услубий бўлими бошлиғи



**Ш.Ш. Массавиров**

Юрисконсулт



**Б.Н. Шукуров**